

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди;  
№ 5A510116  
2020 йил "08" 09

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
236-сон  
2020 йил "08" 09

ХУСУСИЙ ТИББИЙ ПСИХОЛОГИЯ  
МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500 000	– Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510 000	– Соғлиқни сақлаш
Мутахассислик:	5A510116	–Тиббий психология

Тошкент – 20\_

### **Тузувчилар:**

- Ибодуллаев З.Р.** – ТТА “Асаб касалликлари, Тиббий психология ва психотерапия курси билан” кафедраси профессори, т. ф. д.
- Джалилова С.Х.** – ТТА “Асаб касалликлари, Тиббий психология ва психотерапия курси билан” кафедраси ассистенти

### **Такризчилар:**

- Муратов Ф.Х.** – ТТА “Асаб касалликлари, Тиббий психология ва психотерапия курси билан” кафедраси профессори, т. ф. д.
- Абдуллаева В.К.** – ТошПТИ “ Психиатрия, наркология, болалар психиатрияси, тиббий психология ва психотерапия” кафедраси мудир, т.ф.д.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил “29 июл” даги “18”-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш Кенгашининг 2020 йил “25” августдаги “2”-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил “8” сентябрдаги “236”-сонли буйруғининг 5-илоvasи билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

## **1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Тиббий психолог нафақат психосоматик бузилишларда, балки органик касалликларда кузатиладиган функционал бузилишларда ҳам беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатади. Бу эса тиббий психолог ёрдами зарур бўлган турли корхоналар ва муассасаларда тиббий психологлар ёрдамидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Тиббий психолог тиббий илм ва малака билан бир қаторда, психологик усулларни ҳам мукамал билиши талаб этилади.

Мутахассислик бўйича назарий ўқитиш семинар машғулотлари тарзида ўтказилади.

Амалий ўқитиш (магистрлик амалиёти) касалхоналарнинг диагностик ва терапевтик йўналишдаги бўлимларида ўтказилиб, бу ерда магистрлар ҳар бир ротацияга тегишли амалий кўникмалар рўйхатига кўра беморларни курация қиладилар, кўшимча текширишлар натижаларини мустақил интерпретация қиладилар, даволаш диагностика муолажаларни амалга оширадилар.

## **2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифаси**

### **2.1. Модулнинг мақсади:**

Модулни ўқитишдан мақсад – бўлажак мутахассисларни психологик суҳбат қуриш, психологик анамнез йиғиш, психогигиена ва психопрофилактика усулларини ўзлаштириш, психосоматик бузилишлар ва психотерапия асослари бўйича билим ва кўникмалар (компетенциялар) ни шакллантириш.

### **2.2. Модулнинг вазифалари:**

Беморлар билан психологик мулоқот ва психологик анамнез йиғиш қоидаларини ўргатиш; соматик касалликларда тиббий-психологик текширувлар ўтказиш ва психологик тестларни қўллаш усулларини ўргатиш; психосоматик бузилишларни бошқа касалликлардан фарқлай олишни ўргатиш; психогигиена ва психопрофилактика қонун-қоидаларини ўргатиш; психотерапия асосларини ўргатиш; тез тиббий-текширувлар ўтказишни ўргатиш; аҳолига тиббий-психологик (психотерапевтик) ёрдам кўрсатиш усулларини ўргатиш; психофармакотерапия асосларини ўргатиш;

### **2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

#### **Талаба:**

- тиббий психологиянинг соғлиқни сақлаш тизимида тутган ўрни, аҳоли рухий саломатлигини сақлашда тиббий-психологик хизматнинг аҳамияти ҳақида замонавий билимларни шакллантириш;

- мия ва рухий жараёнлар, анализаторлар, миянингфункционал блоклари, марказий нерв системасининг фило- ва онтогенези ҳақида замонавий билимларни ривожлантириш;
- руҳият шаклланиши ва психофизиологик ривожланишнинг асосий босқичлари ҳақида замонавий билимларни такомиллаштириш;
- тиббий психологияда билиш жараёнлари, яъни сезги ва идрок, диққат ва хотира, нутқ ва тафаккур, онг ҳақидаги замонавий билимларни ривожлантириш;
- шахс, темперамент, характер, ҳиссиёт ва стресс ҳақидаги замонавий билимларни такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- психогигиена ва психопрофилактика ҳақидаги замонавий билимларни ривожлантириш;
- психоанализ ва психодинамик терапия ҳақидаги билимларни шакллантириш;
- гешталтпсихология, бихевиоризм ҳақидаги билимларни шакллантириш;
- психологик суҳбат ўтказиш қонун-қоидалари ва психологик тестлардан фойдаланишнинг умумий услублари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- психотерапиянинг умумий қонун-қоидалари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- гипноз техникасини ўзлаштириш ва гипнотерапия усулларини ўрганиш;
- тиббий психологияда функционал диагностика усуллари, яъни ЭКГ, ЭЭГ, рентген, МРТ, дуплекс, УТТ ва лаборатор текширувлар ҳақидаги билимларни шакллантириш, такомиллаштириш ва унинг хулосаларини мустақил равишда интерпретация қилишни ўргатиш;
- нейропсихологик синдромларнинг шаклланиш механизмлари, топографияси, диагностикаси ва нейропсихологик текшириш ҳамда нейропсихологик тестлардан фойдаланиш усуллари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- тиббий-психологик ҳужжатларни юргизиш, режа тузиш ва даволаш-профилактика бўлимларини бошқариш кўникмаларига эга бўлиши керак.
- Замонавий тиббий психологик текшириш усулларни ўрганиш;
- Тиббий психологиянинг бошқа ёндош касалликлар билан боғлиқ бўлган патологияларини замонавий усуллар билан ташхислаш, ушбу усулларни ишлатиш бўйича билимларни ривожлантириш;
- Тиббий психолог амалиётида ишлатилувчи даволаш, диагностика тадбирларини етарли ҳажмини мустақил аниқлашни ривожлантириш;
- Тиббий психология соҳасидаги турли хил психосоматик ва соматопсихик касалликлари бор бўлган беморларда керакли ҳамда адекват даволаш диагностик муолажаларни бажаришни ўргатиш;
- Тиббий психологнинг кундалик амалиётида ишлатилувчи замонавий лаборатор ва инструментал текшириш натижаларини таҳлил қилишни ўрганишни ривожлантириш;

- Тиббий психология соҳасидаги долзарб муаммоларини ечиш ва психосоматик ва соматипсихик касалликларнинг тарқалишини олдини олиш чораларини олиб бориш.
- Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади:

### **3. Асосий қисм**

#### **3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

*Модулда маъруза машғулотлари кўзда тутилмаган*

#### **3.2. Модулдаги амалий (семинар) машғулотлари мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

##### **3.2.1. Амалий (семинар) машғулотларининг мавзулар рўйхати:**

#### **1-мавзу: Психосоматика асослари. Психосоматик тиббиёт концепциялари.**

Соматик касалликларда беморлар психологияси ва улар билан психологик суҳбат кўриш қоидалари. Психосоматозлар. Клиник кўринишлари, дифференциал диагностикаси ва психотерапевтик даволаш тамойиллари.

Рухий дизонтогенез турлари ва унда психодиагностик усуллар. Ушбу тоифали шахсларни тиббий психологик кўрикдан ўтказиш тамойиллари.

Гиперактив синдром. “Маугли” синдроми. Ушбу тоифали шахсларни тиббий психологик кўрикдан ўтказиш тамойиллари.

#### **2-мавзу: Психотерапия ҳақида тушунча. Психотерапия ўтказиш қонун қоидалари.**

Тиббий психологияда психотерапиянинг ўрни. Психотерапевтик усулларнинг таснифи ва турлари. Психотерапиянинг ривожланиш тарихи. Психосоматик тиббиётда психотерапиянинг ўрни.

#### **3-мавзу: Психоанализ. Фрейд назарияси.**

Психоанализ шакилланиш тарихи. Тушларнинг психоаналитик таҳлили (Фрейд бўйича). Психодинамик терапия методологияси ва концепцияси. Альфред Адлер бўйича индивидуал психология тизими. Карл Густав Юнг бўйича аналитик психотерапия. Дюбуа бўйича рационал психотерапия.

#### **4-мавзу: Бихевиоризм.**

Д.Уотсон бўйича бихевиоризм назарияси. “Кичик Альберт” тажрибаси. Скиннер бўйича оперант ўрганиш назарияси.

#### **5-мавзу: Когнитив бихевиорал психотерапия.**

Когнитив бихевиорал психотерапиянинг тиббиёт амалиётида қўлланилиши. Рационал эмотив психотерапия. (Эллисон) Когнитив психотерапия. Когнитив бихевиорал психотерапиянинг методологияси.

#### **6-мавзу: Гуманистик психотерапия усуллари.**

Гештальтпсихологиянинг асосий концепцияси. Гештальттерапия бўйича невроз қопламлари. Гештальттерапия асосида невроз механизмлари. Гештальттерапия методологияси.

Экзистенциал терапия ҳақида тушунча.

Суггестив терапия.

Аутотренинг тушунчаси ва унинг методологияси.

#### **7-мавзу: Гипнотерапия.**

Гипнотерапиянинг келиб чиқиш тарихи. Гипноз босқичлари. Гипноз ўтказиш қоидалари. Гипнотерапиянинг психотерапевт амалиётида қўлланилиши.

#### **8-мавзу: Гурухли психотерапия усуллари.**

Гурухли психотерапия тушунчаси, турлари. Гурухли психотерапия ўтказишнинг қонун-қоидалари, кўрсатмалар.

Оилавий психотерапия, методологияси. Оилавий психотерапия. Оила тизимида ўзаро муносабатлар.

#### **9-мавзу: Замонавий психотерапия усуллари.**

Арт терапия. Психодрама. Спорт терапия. “Travel” терапия. Лингвотерапия. Психотерапиянинг ноординар турлари. Мижозга (беморга) йўналтирилган психотерапия. Психотерапиянинг инструментал моделлари: БОС усули.

#### **10-мавзу: Неврозлар.**

Невроз тушунчаси. Невроз таснифи. Астеник невроз. Генераллашган хавотир синдроми . Хавотир фобик бузилишлар. Турли фобиялар: агарофобия, канцерофобия, специфик фобиялар. Паник бузилишлар. Тарқалган хавотир, даражалари. Невротик депрессия турлари ва даражалари.

Депрессив эпизод тушунчаси. Ниқобланган депрессия. Рекурент депрессив бузилиш. Невротик депрессиянинг даволаш ва профилактик меъзонлари. Дистимия ва камдан кам учрайдиган кайфият бузилишлари.

Обсессив компульсив невроз. Ипохондрик невроз клиник кўриниши.

Истерик невроз. Диссоциатив амнезия, фуга, ступор. Истерик невроз. Диссоциатив ҳаракат бузилиши. Истерик невроз. Диссоциатив анестезия.

Соматоформ невроз. Нодифференциал соматизациялашган бузилишлар. Ипохондрик бузилишларда тиббий психологик ёрдам.

Реактив бузилишлар. Стресс ҳолатига ўткир реакция. Адаптив реакциялар бузилиши.

### **11-мавзу: Суицидология.**

Суицидологияда статистик маълумотлар. Суицидга мойиллик ва асл суицид дифференциацияси. Суицидал фикрлар кўриниш турлари. Суицидологияда шахс хусусиятлари. Суицидда тиббий психологик ёрдам тамойиллари.

### **12-мавзу: Психиатрия амалийтида тиббий – психологик ёрдам.**

Депрессив бузилишлар. Катта депрессив эпизод. Психиатрия амалийтида тиббий – психологик ёрдам. Депрессия бор беморларда тиббий – психологик ёрдам тамйиллари. Психиатрия амалийтида тиббий – психологик ёрдам. Параноид шизофрения ва ундаги тиббий – психологик ёрдам тамйиллари. Психиатрия амалийтида тиббий – психологик ёрдам. Катотоник шизофрения ва ундаги тиббий – психологик ёрдам тамйиллари.

Психиатрия амалийтида тиббий – психологик ёрдам. Нейролептик синдром.

Психиатрия амалийтида тиббий – психологик ёрдам. Алкоголизмда шахс ўзгаришлари.

Психиатрия амалийтида тиббий – психологик ёрдам. Абстинент синдром ва унинг ривожланиш механизмлари. Психиатрия амалийтида тиббий – психологик ёрдам. Наркомания.

### **13-мавзу: Вегетатив нерв тизимини психовегетатив бузилишлари.**

Периферик вегетатив етишмовчилик. Вегетатив дистония синдроми. Ангиотрофик синдромлар: Рейно синдроми. Невроген қовуқ синдроми. Вегетатив нерв тизимини психовегетатив бузилишлари. Бзовта оёқлар синдроми. Вегетатив нерв тизимини психовегетатив бузилишлари. Гипервентиляциясиндром. Вегетатив кризлар. Юздаги психоген оғриқлар.

### **14-мавзу: Бош оғриқ синдроми.**

Бош оғриш сабаблари, белгилари ва асоратлари. Бош оғриқлар. Мигрень. Мигреноз статус. Мигрень асоратлари. Бош оғриқлар. Зўриқиш бош оғриқ. Бош оғриқлар. Кластер бош оғриқ. “Гистаминли” бош оғриқлар. Бош оғриқлар. Абузус бош оғриқлар.

### **15-мавзу: Тиббий психологияда психофармакотерапия қўллаш қоидалари.**

Антидепрессантлар таснифи. Қўллаш қоидалари. Кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар. Нейролептиклар таснифи. Қўллаш қоидалари. Кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар. Транквилизаторлар таснифи. Қўллаш қоидалари. Кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар. Седатив дори воситалари таснифи. Қўллаш қоидалари. Кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар. Психостимуляторлар таснифи. Қўллаш қоидалари. Кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар.

Вегетотроп дори воситалари таснифи. Ноотроп дори воситаларининг таснифи.

### **16-мавзу: Клиник нейропсихология.**

Нейропсихологик синдромлар. Бош миянинг локал зарарланишларида нейропсихологик бузилишлар. Бош миянинг диффуз зарарланишларида нейропсихологик бузилишлар. Болалик ва ўсмирлик даврида кузатиладиган нейропсихологик бузилишлар.

Агнозия ва унинг турлари. Афазия ва унинг турлари. Апраксия ва унинг турлари. Церебрал инсультлар нейропсихологияси.

### **17-мавзу: Деменцияда когнитив ва психик бузилишлар.**

Деменцияда когнитив ва психик бузилишлар клиникаси, клиник текшириш усуллари, нейропсихологик тестларни қўллаш. Лейкоэнцефалитларда когнитив бузилишлар. Клиникаси, диагностикаси, психофармакотерапияси, психореабилитацияси. Нейрохирургияда нейропсихология. Бош мия ўсмаларида нейропсихологик ва психоэмоционал бузилишлар диагностикаси ва нейропсихологик текшириш усуллари.

#### ***3.2.2. Амалий (семинар) машғулотларини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жихозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда куйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жихатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

#### ***3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгаланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар***

***Модул давомида эгаланадиган ротация ва амалий кўникмалар рўйхати:***

#### **1. Тиббий психологияда замонавий ва традицион психотерапия усуллари.**

**Ротация мақсади:** тиббий психологияда психотерапиянинг ўрни, турлари ва методлари билан танишиш ва ўрганиш.

**Талаба куйидагиларни бажара олиши зарур:**

- гипноз техникаси билан таништириш;



- Эриксон гипнозини ўтказиш усули билан таништириш;
- психодинамик терапия (психоанализ) билан таништириш;
- гештальттерапия усули билан таништириш;
- бихевиоризм усули билан таништириш;
- рационал психотерапия усули билан таништириш.
- аналитик психотерапия;
- болаларда психотерапия;
- когнитив психотерапия;
- биологик тескари алоқа;
- экзистенциал терапия;
- логотерапи;
- арттерапия, агротерапия

## **2. Тиббий психологияда нейропсихология асослари**

**Ротация мақсади:** тиббий психологияда нейропсихологик текшириш усуллари, синдромлари ва когнитив бузилишларнинг клиник кўринишларини ўрганиш.

***Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:***

- нейропсихологик диагностика;
- чапақайлик, ўнақайлик, амбидекстрияни аниқлаш;
- афазияни аниқлаш усуллари;
- апраксияни аниқлаш усуллари;
- агнозияни аниқлаш усуллари;
- нейропсихологик тестларни қўллаш;
- нейропсихологияда топик диагностика;
- нейропсихологик ташхисни қўйиш.

## **3. Тиббий психологияда психосоматик тиббиётнинг асослари.**

**Ротация мақсади.** Психосоматик тиббиёт бўлимларида тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш кўникмаларини эгаллаш.

***Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:***

- психосоматик статусни текшириш усуллари билан таништириш;
- психосоматик синдром ва психосоматик касалликларда беморларни текшириш усуллари билан таништириш;
- психосоматик тиббиёт амалиётида қўлланиладиган диагностик тестлар билан таништириш;
- психосоматик тиббиёт қўлланиладиган лаборатор текширув усуллари билан таништириш;
- психосоматик тиббиёт қўлланиладиган инструментал текширув усуллари билан таништириш;
- психосоматик бузилишларда беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништириш;
- психосоматик бузилишларда фармакотерапия усуллари билан таништириш.

#### **4. Тиббий психологияда неврологик амалиёт**

**Ротация мақсади.** Асаб касалликларида тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ўзлаштириш.

***Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:***

- функционал ва органик типдаги неврологик бузилишларни текшириш усуллари билан таништириш;
- неврология амалиётида қўлланиладиган диагностик тестлар билан таништириш;
- неврологияда қўлланиладиган лаборатор текширув усуллари билан таништириш;
- неврологияда қўлланиладиган инструментал текширув усуллари билан таништириш;
- асаб касалликларида беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништириш;
- неврология амалиётида фармакотерапия усуллари билан таништириш.

#### **5. Тиббий психологияда психиатрия ва наркология амалиёти**

**Ротация мақсади.** Психиатрия ва наркология амалиётида беморларни текшириш ва тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиш.

***Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:***

- рухий беморларни текшириш усуллари билан таништириш;
- психоневрологик статусни текшириш усуллари билан таништириш;
- психиатрия ва наркологияда қўлланиладиган текширув усуллари билан таништириш;
- суицид билан кечувчи ҳолатларда тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништириш;
- болаларда психоневрологик текширувлар ўтказиш ва тиббий-психологик текшириш усуллари билан таништириш;
- психотроп дориларни қўллаш усуллари билан таништириш;
- зарур тиббий ҳужжатларни олиб бориш усуллари билан таништириш.

***Модул давомида ўқув (клиник) амалиётни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Назарий машғулотларда олган билим ва кўникмаларни психосоматик беморларни қабул қилиш, кўриш, кузатиш ва олиб бориш орқали мустаҳкамлайдилар ҳамда янада бойтадилар. Бунга модераторлар, тренерлар, шифокорлар бошчилигида тиббий ёрдам кўрсатиш ва мустақил ишлаш йўли билан эришилади. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида магистратура талабалари билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, беморлар билан ишлаш, вазиятли масалалар

ечиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали магистратура талабаси билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали куруллар тайёрлаш, қонун ва меъёрий ҳужжатлардан фойдалана билиш ва бошқалар тавсия этилади.

#### **4. Мустақил таълим ва мустақил иш, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар**

##### ***4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари рўйхати:***

1. Психоанализ ва психодинамик терапия
2. Гештальтпсихология ва бихевиоризм
3. Гипноз ва гипнотерапия
4. Тез тиббий-психологик ёрдам
5. Психоген касалликлар эпидемиологияси
6. Ҳарбий психология ва психотерапия
7. Даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-психологик хизмат
8. Социал психология
9. Психотроп дориларни қўллашнинг тартиб-қоидалари
10. Психофармакология
11. Когнитив неврология
12. Когнитив психология
13. Сексопатология
14. Симптоматик психотерапия
15. Патогенетик психотерапия
16. Гуманистик психология
17. Спорт тиббиёт
18. Конфликтология
19. Суицидология
20. Суд тиббиётида психология
21. Демотивацион синдром
22. Нейролингвистик дастурлаш
23. Биологик қайта боғланиш
24. Аффермация асослари
25. Замонавий психофармакотерапия
26. “Чалғитиш” терапияси
27. Плацебо терапиянинг методологияси
28. Хомладорликдаги психоэмоционал бузилшларни психодиагностикаси, психотерапияси, психофармакотерапияси.

##### ***4.2. Тавсия этилаётган мустақил иш турлари, шакллари***

- тақдимотлар тайёрлаш;
- ўқув адабиётлари билан ишлаш;

- илмий журналлар билан ишлаш;
- интернет маълумотларини ўрганиш;
- беморлар курацияси;
- навбатчиликда туриш;
- вазиятли масала ва тестлар тайёрлаш;
- масофавий таълим технологиясидан фойдаланиш.

#### **4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

*Модул тиббий психология бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.*

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машғулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;
- тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;
- беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;
- аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;
- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- модулнинг (фаннинг) бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- CASE (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
- моделлар ясаш, кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

#### ***Малака амалиётини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.***

Малакавий амалиёт даврида магистратура талабаси кунма-кун малакавий амалиёт журнали шаклида тўлдириб боради. Амалиёт раҳбари томонидан ҳар бир амалиёт куни даврида бажарилган ишлар ҳажми баҳоланади ва кундалик имзоланади.

Малакавий амалиёт журналидаги маълумотлар талабанинг амалий кўникмаларга эга бўлганлик даражаси ҳақида маълумот беради.

Малакавий амалиёт тугагандан сўнг малакавий амалиёт журнали охирида амалиётга жавобгар шахс томонидан талабанинг иши баҳоланади ва унга тавсифнома ёзилади, у муассаса муҳри билан тасдиқланади ва малакавий амалиёт журнали топширилади. Агар бажарилган ишни ифода этган кундалик топширилмаса, амалиёт ўтилмаган деб ҳисобланади.

Малакавий амалиётни якуний баҳолашни тузилган комиссия амалга оширади. Комиссия аъзолари ОТМ ректори томонидан буйруқ асосида тузилади.

Малакавий амалиётининг якуний баҳолаш натижалари комиссия томонидан қайднома варақасига киритилади ва дастур директори томонидан рейтинг дафтарчасига тўлдирилади. Малакавий амалиёт дастурини (сабабли, сабабсиз) бажармаган талабалар якуний баҳолашга киритилмайди ва академик қарздор талаба сифатида муаммолари магистратура бўлими ва ректорат томонидан кўриб чиқилади ва индивидуал қарор қабул қилинади (расмийлаштирилади).

## **5. Асосий ва кўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари.**

### ***5.1. Асосий адабиётлар***

1. Ибодуллаев З.Р. Тиббиёт психологияси., Дарслик., 2009., 393 б.
2. Ибодуллаев З.Р. Тиббиёт психологияси., Дарслик., 2020., 393 б.
3. Карвасарский Б.Д. Клиническая психология. М., 2012., 867 б
4. Н.Н.Иванец Медицинская психология, учебное пособие, 2015
5. Д.А.Харкевич Фармакология, 2017

### ***5.2. Кўшимча адабиётлар***

1. Ibodullaev.Z.R. Asab kasalliklari. Т. 2014, 1000.
2. Ibodullaev.Z.R. Asab va ruhiyat. Т. 2015, 331.
3. Лурия А.Р. Основы нейропсихологии. М., 2010.
4. Сахакиян У.С. Техника консультирования и психотерапия. Пер. с англ. М.: 2013.
5. Семенович А.В. Нейропсихологическая диагностика в детском возрасте. М., 2012.

### ***5.3. Интернет ресурслар***

1. [www.tma.uz](http://www.tma.uz).
2. [www.asab.uz](http://www.asab.uz)
3. [www.psychology.com](http://www.psychology.com)
4. [www.medvopros.com](http://www.medvopros.com).
5. [www.MedPortal.ru](http://www.MedPortal.ru)

6. [www.evrika.ru](http://www.evrika.ru)
7. [www.Med-edu.ru](http://www.Med-edu.ru)
8. [www.med-info.ru](http://www.med-info.ru)
9. [www.medagent.ru](http://www.medagent.ru)
10. [www.psychiatrist.com](http://www.psychiatrist.com)
11. [www.journals.medi.ru](http://www.journals.medi.ru)